Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 18 февраль
ЯКШАНБА
№ 42 (4.836).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ, ҚАЙТА ҚУРИШ МУВАФФАҚИЯТИ УЧУН

Яқин-яқинларгача шундай манзарани кузатиш мумкин эди: сайлов куни тонг саҳардан карнай ва сурнайлар овози тинмас, то оқшомга қадар турли байрамона тадбирлар ўтказиларди. Бир неча кундан кейин эса овоз бериш якунлари эълон қилинарди. «Бирлик, жипслик, бузилмас блок» яна бир бор намойиш этиларди. Бу ҳол турғунлик йилларининг сиёсий ҳаётига хос эди.

Қайта қуриш бошлангандан буён ўтган беш йил мобайнида биз кўп нарсаларни ўргандик. Энг аввало инсон ўз гражданлигини ҳис этмоқда, жамият, давлат ишларига шахсан дахлдорлик, ён-атрофида рўй бераётган жамики воқеалар учун масъулият сезиш, фикрини эркин ифодалаш ва ҳимоя қила билиш имконига эга бўлди. Қайта қуришдан асосий мақсадга эришишга ҳали анча вақт борлигига қарамай биз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар биримиз нисбатан талабчан, принципиал ва фаол бўлиб қолганлигимизни яққол сезиб турибмиз. Бу 1985 йил апрелидан кейин ўтган даврнинг энг асосий якунидир.

Сайловга тайёргарлик жараёни рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг мусбат ва манфий томонларини ошкор қилиб қўйди. Эндиликда ҳеч ким сунъий равишда байрамона вазият вужудга келтиришга, одамларни қийинчиликлар, ҳал этилмаган муаммолар ва камчиликлардан чалғитишга интилмаяпти. Бошқа томони ҳам муҳимроқ. Ҳозирги сайловлар мавжуд тартиботларга итоаткорона ва расмий риоя қилиш эмас, балки халқнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топадиган сиёсий воқеадир.

Республика партия ташкилоти омма истаги эркин билдирилиши, кўрсатилган номзодлар кенг ва ошкора муҳокама этилиши, демократия принципларини бузилишига қарши ишончли кафолат яратилиши учун жуда катта ишларни амалга оширди. Натижада Ўзбекистонда яшаб турган барча миллатларнинг энг муносиб фарзандлари — ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг вакиллари депутатликка даъвогарлар қаторидан ўрин олдилар.

Олий ҳокимият органига сайловларда биринчи маротаба депутатлик шаҳодатномалари тақдирини юқорида ўтирган маҳкамачилар эмас, балки сайловчиларнинг ўзлари ҳал этишади. 500 округдан 1134 номзод рўйхатга олинди. 74 округда учтадан, 37 тасида тўрттадан, 19 тасида бештадан, 13 тасида олтитадан, 4 тасида еттитадан, 3 тасида саккизтадан ва ундан ҳам ортиқ номзод овозга қўйилмоқда. Уларнинг таркибини таҳлил этганимизда жиддий мулоҳазалар пайдо бўлади. Аксарияти КПСС аъзолари ва аъзоликка номзодлардир. Бу ҳам меҳнат коллективларида коммунистлар обрўси юксаклигидан далолат. Одамлар мамлакатимизни оғир тангликдан ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ишончли йўлига олиб чиқадиган КПССдан бўлак қудратли куч йўқлигини яхши биладилар. Улар партия ўзини-ўзи муваффақият билан қайта қураётганлигини, демократик, халққа яқин бўлиб бораётганлигини яққол кўриб турибдилар.

Маълумки, бундан бир неча ой аввал Ўзбекистон Компартияси «Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари» ҳаракат дастурини эълон қилди. Бу ҳужжат сайловолди мавсумида муҳим аҳамият касб этди, қайта қуриш тарафдорларини жипслаштиришга ёрдам берди. Коммунистлар халқ билан биргаликда иш кўриб қийинчиликларни бартараф этишни, бутун ҳаётни қайта қуришни, муаммоларни ечиш ҳамда жамиятни янгилашни асосий вазифа деб билмоқдалар. Ҳаракат дастурида таъкидлаб ўтилганидек, бу республикадаги 660 минг коммунистнинг бутун аҳоли олдидаги мажбуриятидир.

Республика давлат ҳокимияти олий органига депутатликка КПСС аъзолари орасидан кўпчиликни номзод қилиб кўрсатишда ўз ифодасини топган халқ ишончи барча коммунистлар, партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди, уларни бунёдкорлик ишларини авж олдиришга, ҳар бир меҳнат коллективи ва оилада ижобий ўзгаришлар ясашга даъват этади. Ҳозирги пайтда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол шундайки, биз ўзимиз ўтирган қайиқни ҳадеб бир ерда қимирлатавермаслигимиз керак, уни тўғри йўлга солиб юборишимиз, жадал ҳаракат қилдиришимиз зарур. Фақат қаттиқ интизом, тартиб ва масъулиятгина олдимизда турган, одамларни ташвишлантираётган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

Ўзбек деҳқонлари бугунги сайловларга, овозга қўйилган коммунистларга катта умид боғламоқдалар. Кейинги йилларда агросаноат комплексининг туб муаммоларини ҳал этиш, қишлоқ меҳнат аҳли турмуш даражасини яхшилаш йўлида кўпгина ишлар қилинди, албатта. Экинларнинг умумий таркибида пахта салмоғини камайтириш, терилган ҳосилга қўшимча ҳақ тўлашни жорий этиш, шахсий томорқани кенгайтириш ҳамда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш сингари тадбирлар яқин йиллар ичида ҳеч шубҳасиз ўз самараларини беради. Аммо қишлоқнинг ижтимоий қиёфаси жуда секин ўзгармоқда, кўпчилик аҳоли пунктларида ҳозирга қадар водопровод ва канализация, табиий газ йўқ, мактаблар, болалар муассасалари, медицина тармоқлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари кам. Колхоз ва совхозларда аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларнинг дам олишларини уюштириш муаммолари жуда суст ҳал этилмоқда.

Қишлоқ туб ижтимоий силжишларга эҳтиёж сезаяпти. Фақат меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилаш йўли билангина дала ҳамда ферма маҳсулотларини кўпайтириш, Озиқ-овқат программаси ижросини жадаллаштириш мумкин. Ишлаб чиқариш илғорлари, агросаноат комплекси мутахассислари ва раҳбарлари, партия ва совет ходимлари орасидан номзод бўлган кишилар ана шундай режалар тузишган. Улар қайта қуриш ҳал қилувчи, жуда қийин босқичга кирганлигини чуқур англашаяпти. Бугунги кундаги инқилобий ўзгаришлар меҳнаткашларнинг туб манфаатларига тааллуқлидир. Демак, аниқ ишлар, салмоқли натижалар билангина омма орасида обрў-эътибор қозониш мумкин.

Республика атроф муҳитини яхшилаш Советларга сайланадиган халқ вакилларининг энг муҳим вазифаларидан саналади. Бунинг учун давлат органлари кўпгина хўжалик йўналишлари бўйича катта куч-ғайрат сарфлашларига тўғри келади. Энг муҳими — кўндаланг турган вазифаларни қатъиятлик ва изчиллик билан ҳал этиш, дадиллик ва принципиаллик кўрсатиш лозим.

Бугун тонг саҳардан бошлаб миллионлаб одамлар сайлов участкаларига йўл оладилар. Кўпмиллатли республикамиз, ҳар бир область ва район, шаҳар ва қишлоқнинг келажакдаги тараққиёти улар кимларни ёқлаб овоз беришларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўзбекистон меҳнаткашлари сайловолди мавсумида жуда фаоллик кўрсатдилар, ўз меҳнати, маънавий пок қиёфаси, принципиаллиги туфайли халқнинг ҳокимият органида вакил бўлиш ҳуқуқини исботлаган кишиларни номзодлар қаторида тилга олдилар. Шуниси ҳам борки, улар ичидан энг яхшилари, муносибларнинг муносиблари депутатлик шаҳодатномасига эга бўладилар. Сайловларнинг ўзи эса сиёсий ислоҳотни амалга оширишда муҳим босқич, чинакам халқ ҳокимиятини барпо этиш йўлида катта қадамдир.

БУГУН—ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ.

САЙЛОВ ҚУТИЛАРИ ЁНИГА БОРИБ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ МУНОСИБ ЎҒИЛ ВА ҚИЗЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИШ ҲАММАМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ!

Қантар оғиб деҳқоннинг ороми бузилди. Бинобарин, экиш-тикиш мавсумига яқин қолди. Тадбиркорлар бу долзарб дамларга пухта тараддуд кўрмоқдалар. Самарқанд область Пайариқ районидаги Навоий номли колхоз техника паркида иш қизғин. Созловчилар иш қуролларини кўкламга шай қилмоқдалар. 28 та чопиқ трактори, 17 та сеялка, 20 та ҳайдов трактори тайёрлов чизиғига қўйилди. Экиш учун зарур бўлган бошқа воситалар ҳам шай.

СУРАТДА: кўчма устахона механиги Қилич Эшонхўжаев.

Қ. ТУРСУНОВ олган сурат.

БУ ЙИЛГИ ПАХТА ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети 1989 йилги пахта ҳосилининг қайта ишланиши дастлабки якунларини чиқарди. Маълумотномада хабар қилинишича, республика қайта ишлаш заводларида пахтадан тола чиқиши ўрта ҳисобда 31,6 фоизни ташкил этди, бу нормадагидан 0,7 фоиз кўпдир.

Бир қарашда бу хабар қувончли кўринса-да, лекин бунга маҳлиё бўлиб қолмайлик. Пахтадан ўтган йилги мавсумга нисбатан 0,6 фоиз кам тола олинган. 123 заводдан 92 таси ўшанда эришган ўрнидан пастга тушиб кетдилар, 18 та корхонада эса ҳатто пландаги кўрсаткичга эришилмаган. Бу ҳолат пахтакорлар олдига ҳам, пахта тозалаш саноати ходимлари олдига ҳам жиддий масалаларни қўяди. Янги мавсумда пахтакорлар оқ олтин сифатини яхшилаш учун пахта етиштириш агротехника усулларига қатъий риоя қилишлари керак. Пахта тозаловчилар эса ҳозирнинг ўзидаёқ машина-ускуналарни созлаш ва технология интизомига риоя қилиш борасида шошилинч чораларни кўришлари зарур, токи материалларнинг ҳам, пулнинг ҳам исроф бўлиши камайтирилсин. Не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилдан энг кўп тола олиниши керак.

ТАЖРИБА ЎРГАНИШДИ

Агросаноат комплексини бошқариш республика олий мактаби тингловчиларининг навбатдаги гуруҳи ишлаб чиқариш-иқтисодий таълим курсини тугаллади. Бу гал Калинин ва Оржоникидзе районлари хўжаликларининг, шунингдек Бекобод районидаги «Зафар» агросаноат комбинатининг 450 дан зиёд раҳбар ва мутахассис ходимлари қайта тайёргарликдан ўтдилар.

Назарий машғулотларни ҳам, хўжаликларга бориб ўтказилган машғулотларни ҳам Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети бўлинмаларининг раҳбарлари ва республиканинг етакчи аграрчи олимлари олиб боришди.

Тингловчилар ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва тижорат ишларини ўрганиш билан бирга, комбинат колхоз ва совхозларини ижара-кооператив иш усулларига, хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини ўзи пул билан таъминлашга амалда ўтказиш масалаларини кўриб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

МАМЛАКАТ ТАҚДИРИ ТЎҒРИСИДА ҚАЙҒУРИБ

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

Ҳамма нарса ўз илдизи билан сиёсатга узвий боғланади. 16 февраль куни эрталаб Кремлда парламентнинг иши айни сиёсий баёнот билан бошланди. Шу куни палаталарнинг қўшма мажлиси **А. И. Лукьянов** раислигида ўтди.

Қирғизистон экология илмий тадқиқот ва юқумли касалликларнинг олдини олиш институти директори депутат **Г. А. Комаров** сессия минбаридан жим-жит залга тўлқинланиб мурожаат қилди. Сўнгги вақтдаги воқеалар, деди у, мамлакатимиз, кўп миллатли Ватанимиз тақдири учун жиддий ҳавотирлик уйғотмоқда. Бизда ўз манфаати йўлида умумий хонадонимизни ёндириб юборишга тайёр кучлар пайдо бўлиб қолди. Ана шу кучлар қандай яхши ниятлар билан ниқобланмасинлар, уларнинг мақсади аёндир.

Нотиқ бутун мураккаб тарихимиз халқ, унинг барча соғлом кучлари мамлакат учун қийин пайтда бирлашишлари ва иттифоқимиз ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам емирилишига қаршилик кўрсатишлари мумкинлигидан далолат беради, деди. Бунда вақтни қўлдан бой бермаслик ва бузғунчи кучларга ортиқча эрк бермаслик муҳимдир. Шу муносабат билан нотиқ яқинда мамлакат барча регионлари ва республикаларининг вакиллари депутатларнинг «Иттифоқ» гуруҳини ташкил этишга қарор берганликларини айтди. У ташкилот комитети номидан гуруҳнинг сиёсий мақсадларини баён этди. Унинг мақсади СССРнинг федератив тузилиши ва давлат яхлитлигини сақлаб қолиш, мамлакатда ҳар қандай шакл ва кўринишдаги айирмачилик, миллатчилик ва шовинизмга қаршилик кўрсатиш, федератив давлатнинг барча территориясида ҳамма халқлар, миллатлар, элатлар, этник группалар ва ҳар бир гражданнинг тенг ҳуқуқли ва эркин ривожланишига интилиш учун курашишдан иборат. «Иттифоқ» гуруҳига бирлашган депутатлар социал-иқтисодий тангликдан чиқишни таъминлайдиган ва мамлакатнинг жўшқин ривожланишига, федератив давлатнинг бутун территориясида атроф муҳити ҳолатини ҳамда аҳолининг яшаш шароитларини анча яхшилашга кўмаклашадиган энг муҳим қонунлар мажмуасини тайёрлашни жадаллаштириш, ишлаб чиқиш ва қабул қилишга ҳисса қўшадилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ юздан ортиқ киши аъзо бўлган депутатларнинг «Иттифоқ» гуруҳи ўз аъзолари сонини чекламайди. У парламентдаги барча бошқа депутатлар гуруҳлари билан кенг ва амалий ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Ана шу баёнотдан кейин депутатлар СССРда мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

(ТАСС).

МОСКВАГА БОРАЁТИБ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков Осиё-Тинч океан регионини мамлакатлари бўйлаб қилган сафаридан сўнг 17 февраль куни Тошкентда қисқа муддат тўхтади.

Н. И. Рижковни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов кутиб олдилар ва кузатиб қўйдилар.

* * *

Шу куни СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. И. Усмонов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Москвага қайтаётиб Ўзбекистон пойтахтида қисқа муддат тўхтаб ўтди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

ФАРМОНИ

СИРДАРЕ ОБЛАСТИНИ ҚАЙТАДАН БЎЛИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАРКИБИДА ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Сирдарё области қайта бўлинсин ва Ўзбекистон ССР таркибида маъмурий маркази Жиззах шаҳрида бўлган Жиззах области қайта тиклансин.

Сирдарё областининг Жиззах шаҳри, Арнасой, Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Дўстлик, Зомин, Зарбдор, Мирзачўл, Октябрь, Пахтакор ва Фориш районлари Жиззах области таркибига берилсин.

2. Сирдарё областининг маъмурий маркази Жиззах шаҳридан Гулистон шаҳрига кўчирилсин.

3. Мазкур Фармон 1990 йилнинг 1 мартидан кучга киритилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 16 февраль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми меҳнаткашларнинг, партия, совет органларининг республика маъмурий-территориал тузилмаларини бўлиш борасидаги таклифларини ўрганувчи республика комиссияси бир қанча районларнинг бўлиниши, тикланиши ва тузилиши тўғрисидаги таклифларни тайёрлашни ниҳоясига етказаётганлигини маълум қилади. Мазкур масалалар юзасидан фармонлар яқин кунларда қабул этилиб, эълон қилинади.

АҚЛ-ИДРОК ТАНТАНА ҚИЛСИН

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, у тўхтаб, босиб ўтилган йўлга бир назар ташлаши талаб қилинади. Шундай қилингандагина босиб ўтилган йўлдан хулоса чиқариб, ақл билан яна олға қадам ташлаш мумкин бўлади. Бутун бир халқ ҳаётида ҳам ўтмишни шундай, доимо ёдда тутиш лозим. Зеро, тарих бугун яратилади.

Ўзбек халқи кўҳна даврларга бориб тақаладиган ўз тарихи билан фахрланиши мумкин. Бу тарих уни фақат эзгуликка ўргатди. Халқимиз умумий уйимизга ташвиш ва қайғу қадам қўйган тарихнинг таҳликали пайтларида ҳам бу эзгуликни намоён этди. Биз қўшнимиз хонадонида йиғи товушини эшитганимизда ҳеч қачон уйимизни қулфламаганмиз ва бу ташвишдан ўзимизни четга олмаганмиз. Биз қардошларимиз билан нонимизнинг сўнгги бўлагини баҳам кўрганмиз, қалбимиз тафтини аямаганмиз.

Бизнинг йўлимиз ҳамиша ҳам енгил ва равон бўлмаган. Лекин бу пайтда ўз тиллари ва урф-одатларига эга бўлган оға-иниларимиз, опа-сингилларимиз биз билан ёнма-ён қадам отган. Биз улар билан елкама-елка туриб урушнинг машаққатли йўлларини босиб ўтдик, биргаликда оч-наҳор қолдик, биргаликда бунёдкорлик ишлари билан шуғулландик, севдик, севилдик, қувондик.

Ҳа, бу йўл бизни бир-биримизга яқинлаштирди, қон-қардош қилди, лекин аралаштириб юбормади. Ҳар бир халқ тарихнинг кескин ва аянчли бурилишларига қарамасдан, ўзлигини, иродаси кучини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Қайта қуриш кишиларнинг куч-ғайратини жунбушга келтирди, бизга диққинафасликдан чиқиш йўлини кўрсатди. Биз фақат олға, истиқбол сари боришимиз керак ва бу йўлда дастлабки қадамларни қўя бошладик.

Оға-инилар, опа-сингиллар, бир дақиқа одимимизни секинлаштириб, атрофимизга қарайлик. Биз бир-биримизни тирсакларимиз билан туртаётганимиз, жаҳлга жаҳл билан жавоб қайтараётганимиз йўқми! Эски, ҳамиша ҳам асосли бўлмаган хафагарчиликларимизни яна ёдга олмаяпмизми! Агар биз фақат ўзимиз ҳақда ўйласак тўғри йўлдан адашиб кетмаймизми! Сумгаит ва Фарғонанинг, Боку ва Ереваннинг, Янги Узень ва Душанбенинг қон сизиб турган жароҳатлари бизни ақл-идрокка чақириши, ўзаро можаро алангасини ўт олдириб, бизга мутлақо бошқа йўл кўрсатаётган ёт кимсалар ҳам орамизда борлигини ёдга солиши керак.

Биз том маънода халқчил, миллий фахримизнинг ўзига хос ифодаси, миллий манфаатларнинг ҳимоячиси бўлган зиёлиларимизга мурожаат этмоқдамиз. Халқ ҳамиша бизга ишонган ва бизга эргашган.

Келинг, тарихимизнинг ҳозирги туб бурилиш нуқтасида оғир-вазмин бўлайлик, ақл-идрок билан иш тутайлик. Зеро, ҳаёт худди шу йўл билангина халқ тақдирини енгиллаштиришимиз, мамлакатни берк кўчадан олиб чиқишимиз мумкинлигини кўрсатмоқда. Биз сизларга —оталар ва оналар, ишчилар ва хизматчилар, студент ва ўқувчилар, ветеранлар, Тошкент шаҳрининг, кўпмиллатли республикамизнинг барча аҳолисига мурожаат этмоқдамиз.

Халқнинг фаоллиги кўпсонли митингларда намоён бўлди. Лекин шу билан бирга митинг қатнашчиларининг орасида бугунги кунда сўзамоллиги билан енгил обрў-эътибор қозонишга интилаётганлар ҳам топилиб қолди. Йўқ, биз митингларга қарши эмасмиз, аммо бугунги кунда ҳатто энг оташин нутқлар билан ҳам худди сеҳргар таёқчасидек янги уй-жойларни барпо қилиб бўлмайди, ишсизликни йўқотиб бўлмайди, атроф-муҳитни соғломлаштириб, Оролни сувга тўлдириб бўлмайди. Бу билан болалар ўлимига, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериб бўлмайди... Шундай экан, халқ дардини нифоқ қилиб, бу билан ўзига сиёсий нуфуз орттирмоқчи бўлаётган, ақл-идрок овозига қулоқ тутмаётганларни тўхтатайлик.

Қайта қуришда дастлабки қадамлар қўйилмоқда: деҳқонлар ер олишаяпти, болаларга бепул нонушта берилмоқда, янги иш жойлари яратиляпти, пенсия миқдори оширилмоқда, хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда. Буларнинг ҳаммасига осонлик билан эришилаётгани йўқ. Соғломлаштириш жараёни қийин кечяпти. Чунки беш панжа баравар эмас, баъзи бировлар ўзларини халқ бахт-саодати учун курашчилар қилиб кўрсатиш мақсадида қайта қуриш ҳақида ҳаммадан қаттиқроқ бақирмоқдалар. Бу сафсатабозлик, бўҳтон, турли миш-мишларга ёлғонни чинакам ҳақиқатдан ажрата олишга қодир зиёлилар қатъий қарши турмаса ким қарши туради!

Биз жуда оғир, лекин ажойиб вақтда яшаяпмиз, истиқболимизни ҳам равшан кўриб турибмиз. Бу давримиз бизнинг бўлажак асарларимиз, суратларимиз, мусиқаларимиз, фильмларимизда албатта ўз ифодасини топади. Янги-янги ишлар, ихтиролар туғилади. Тарих ўзнинг бу варағини ҳам варақлаганда биз фахр билан: «Бу бизнинг давримиз ва бу даврни биз яратганмиз!» дея оламиз.

Лекин, бунинг учун биз бугунги кун эртагаёқ ўша тарихга айланишини ёдда тутишимиз керак. Авлодлар биз тўғримизда худди шу тарихга қараб баҳо берадилар. Бу даврни қандай яшашимиз ўзимизга боғлиқдир. Бу бизнинг виждонимизга, ўз халқимизга чин қалбдан ёрам беришга тайёр эканлигимизга боғлиқ. Шундай экан, ўзимизнинг тарихий масъулиятимизни ёдда тутайлик.

М. САЛОҲИДДИНОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти; **Р. ҒУЛОМОВ**, уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси, СССР халқ депутати; **Х. АЛИМОВА**, республика хотин-қизлар кенгашининг раиси, СССР халқ депутати; **Э. ЮСУПОВ**, Совет маданият фонди республика бўлими правлениесининг раиси, СССР халқ депутати; **Б. ҚОРИЕВА**, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси правлениесининг раиси, СССР халқ депутати; **Э. ВОҲИДОВ**, шоир; **М. ҚАЮМОВ**, Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси правлениесининг биринчи секретари; **Т. ҚОДИРОВА**, Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси правлениесининг раиси; **Б. ЖАЛОЛОВ**, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси правлениесининг раиси; **Р. САФАРОВ**, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси правлениесининг секретари; **А. ЖАББОРОВ**, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси правлениесининг раиси; **Ш. ХЎЖАЕВ**, Бутуниттифоқ раҳм-шафқат фонди республика бўлимининг раиси; **В. МЕЛЬНИЧУК**, Ўзбекистон ССР байналмилалчи-жангчилар ва запасдаги жангчилар ассоциациясининг раиси; **С. ҚУРБОНОВ**, Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари; **Н. МУҲИТДИНОВ**, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг раиси; **Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ**, Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси; **А. АБДУЛЛАЕВ**, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раисининг муовини.

Область партия комитетининг пленуми

Қаршида Қашқадарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленум Ҳ. Раҳмонов билан Н. Зайниевни область партия комитетининг секретарлари этиб сайлади.

Пленумда Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Р. Отажонов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

САЙЛАЙМИЗ, САЙЛАНАМИЗ

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Ҳозирги пайтда ҳам иттифоқ, ҳам унинг таркибига кирувчи республикалар социалистик федератив ҳуқуқий давлатини шакллантириш муаммолари ҳуқуқшунос олимлар, мамлакат жамоатчилигининг диққат марказида турибди. КПССнинг XIX Бутунитифоқ конференцияси, СССР халқ депутатлари съездлари, Олий Совет сессияларининг ҳужжатлари бизни жамиятни инқилобий қайта қуриш йўлидаги ғоят муҳим мана шу муаммоларни ҳал этишга йўналтирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль пленуми бу муаммога алоҳида эътибор берди. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлатни барпо этиш совет федерациясини янгилаш, демократияни ривожлантиришнинг ғоят муҳим жараёнлари билан боғлиқ. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови бу жараёнларни ривожлантиришнинг ёрқин намунасидир. Ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш йўлида кўпгина иш қилинди. 14 февраль куни ўз ишини бошлаган СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси шу мақсадга қаратилган ғоят муҳим янги қонунларни қараб чиқмоқда. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш муайян принципларни ҳаётга изчил тадбиқ этишни тақозо қилади. Уларнинг **биринчиси** ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг устунлигини таъминлашдан иборатки, буни социалистик маданийликнинг ажралмас фазилати, чинакам халқ ҳокимиятининг намоён бўлиши сифатида эътироф этмоқ лозим.

Социалистик ҳуқуқий давлатда олий ҳокимият органи ёки барча конституцион тартиботларга қаттиқ риоя қилинган ҳолда ўтказилган референдум йўли билан қабул қилинган қонун на ҳукумат, на идоравий актлар, на партия органлари қарорлари билан, — гарчи бу органлар нечоғлиқ юқори ва нуфузли бўлмасин, —бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки тўхтатиб қўйилиши асло мумкин эмас. Табиийки, қонунларнинг юксак сифати, уларда реал сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ифодаланиши кўзда тутилади. Қонунларни тайёрлаш чоғида олимларнинг тавсияларидан ғоят кенг равишда фойдаланиш, уларни тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ишчи комиссиялари фаолиятига кенг жалб этиш зарур. Бундай тажриба республикамизда муқим тус олмаганди. Масалан, ҳуқуқшунослар халқ хўжалигини бошқариш бош схемасини ишлаб чиқишга қатнашдилар, лекин бу ишга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳатто ҳукумат ва ҳокимиятнинг ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқшуносларсиз тайёрланмоқда. Ҳуқуқий давлатга хос **иккинчи** ғоят муҳим ҳуқуқ ва маънавий-сиёсий принцип давлатнинг ўзи ва унинг органлари қонун билан боғлиқлигидир. У шунда ифодаланадики, қонун чиқарган давлатнинг ўзи уни бузиши мумкин эмас. Бу принцип бошбошдоқлик, ўз ҳукмини ўтказиш, ўзбошимчаликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши туради. Қонунни унга зид ҳар қандай давлат ва партия қарорларини, — гарчи уларни қабул қилишда қандай мулоҳазалар устун келган бўлмасин, — амалга ошириш йўлига оғишмас тўсиқ, деб қараш зарур.

Орол фожиасини, бутифос ва бошқа заҳарли химикатларни ўрмак асло ачишмай қўлланиш, республиканинг бир қатор районларида ҳавонинг булғанишини эслайлик. Ахир, кўп йиллардан буён табиатни муҳофаза қилиш борасида иттифоқ ва республикаларнинг етарли такомиллашган қонунчилиги мавжуд эмасмиди? Ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким

● Шу кунларда республика партия ва совет идораларига, оммавий ахборот воситаларига меҳнаткашлардан жуда кўп хат, телеграммалар ва турли фикрлар ёзилган мактублар келиб турибди, уларнинг муаллифлари масъулиятсиз унсурларнинг ижтимоий-сиёсий муҳитни кескинлаштиришга, одамлар ўртасида миллий адоват, ваҳима қилиш ва уларнинг шахсий хавфсизлиги учун саросималик келтириб чиқаришга уринишларга қарши норозилик билдирмоқдалар. Одамлар бу хатти-ҳаракатларни ғаламислик деб ҳисоблаб, тартиб ўрнатиш учун қатъий чоралар кўришни талаб қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонни астойдил қўллаб-қувватлашларини билдирмоқдалар, республиканинг барча гражданларини иғвогарларнинг ножўя ҳаракатлари пайини кўплашиб қирқишга, Ўзбекистоннинг барча халқлари ўртасида дўстлик ва жипсликни мустаҳкамлашга чақирмоқдалар.

Бугун мана шу мактублар, фикрлар, хат ва телеграммаларнинг бир қисмини эълон қиляпмиз.

МИШ-МИШЛАРГА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК ВА ЖИПСЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

М. УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Андижон шаҳри

Мен — аёлман, онаман, доимо тинчлик ва осойишталик бўлишини хоҳлайман. Ҳамма оналарнинг тилаги — мана шу. Озарбайжондаги воқеалар, Душанбедаги тартибсизликлар, рухсат этилмаган митинглар уюштирилаётганлиги ва мана шуларнинг оқибатида гуноҳсиз кишиларнинг қони тўкилиши — биз оналарни жуда ташвишга солмоқда. Одамларга нима бўлди ўзи, — деб сўрагим келади. Неча йиллардан бери турли миллат фарзандлари тинч ва аҳил яшаб, ёнма-ён ишлаб келар эдилар-ку, ахир. Нега энди баъзи кишилар мана шу дўстликка раҳна солишга, низо уруғларини сочишга уринмоқдалар?

Ҳа, турмушимизда камчиликлар кўп, аммо бу камчиликларни биз ўзимиз тузатишимиз керак. Уларни ҳеч ким биз учун тузатиб бермайди. Бунинг учун биз биргаликда ишлашимиз, ҳаракат қилишимиз керак. Бизнинг орамизда тартиббузарлар бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони аввало мана шунга қаратилган ва бу ҳужжат ғаламисларни жиловлаб қўйиши керак. Мен барча оналарга, аёлларга мурожаат этиб, фарзандларингиз нопок кишилар тузоғига илиниб қолишига йўл қўйманглар, деб айтмоқчиман.

Т. ЯКОВЛЕВА,
Тошкент авиация техникумининг муаллимаси

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини жуда керакли Фармон, деб ҳисоблайман. Бироқ, менинг назаримда, у анча кечикиб чиқарилди. Бизнинг коллективимизда турли миллат кишилари меҳнат қилмоқда, бироқ ҳеч қачон миллий негизда бирон бир жанжал ёки низо чиққан эмас. Мамлакатимизнинг баъзи жойларида — Кавказ ортида, Душанбеда рўй бераётган воқеалар, биз телевизор орқали кўраётган ва газеталарда ўқиётган миш-мишлар бизни ташвишлантирмай қола олмайди.

Ҳукумат маъмурларининг қўлидан ҳеч нарса келмаяпти, улар доимо кечикиб қолишяпти, совет кишиларининг хавфсизлигини таъминлашга қодир эмас, деган тассурот вужудга келмоқда. Одамлар кечқурун кўчага чиқишдан қўрқсалар, метрога тушишдан ва машинага ўтиришдан чўчисалар, шу ҳам тартиб бўлдими.

Бунинг устига шаҳримизда ҳам ур-йиқит қилишга ҳозирлик кўриляпти, деган хилма-хил миш-мишлар юрибди. Буларнинг ҳаммасини маккорона бир қўл бошқариб турганлиги равшан. Хўш, нега ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларимиз ҳаракатсиз туришибди. Давлат хавфсизлиги комитети қаёққа қараяпти?

Кейинги вақтларда партия ва совет идораларининг ходимлари телевидение орқали тез-тез гапириб, вазиятни тушунтириб бераётганликлари, одамларни тинчлантираётганликлари яхши бўлди. Яқинда Зиёмов, Шоабдураҳимов ва бошқа ўртоқлар иштирокида берилган кўрсатув менга жуда ёқди, бутун аҳоли бу кўрсатувдан мамнун бўлди, деб ўйлайман. Афсуски, бу кўрсатув ўзбек тилида бўлди ва рус тилида сўзлашувчи аҳолининг бир қисми буни тушуна олмади. Шундай кўрсатувлар икки тилда ўтказилса яхши бўлур эди.

Умуман, менинг фикримча, шу кунларда партия ва совет идораларининг ходимлари кабинетларда ўлтира бермай, коллективларга ва аҳоли яшайдиган жойларга тез-тез бориб туришлари керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари миллатлар ўртасида нифоқ солиш йўлидаги ҳамма уринишларнинг пайини қонун доирасида қаттиқ аёвсиз қирқиб ташлашлари керак. Қандай чора кўрилганини одамлар ҳам билиб туришсин. Шундагина кўп кишилар ўйлаб гапирадиган бўладилар.

Н. АЛМЕТОВ,
КПСС аъзоси, уруш ва меҳнат ветерани Андижон райони

Мен 80 ёшдаман. Татаристонда туғилган бўлсам ҳам 60 йилдан бери Ўрта Осиёда яшаб турибман: 30-йилларнинг бошларида Туркманистонда Қизил Армия сафида хизмат қилдим, шундан кейин оиламиз Фарғона водийсига кўчиб келди. 1941 йил 24 июнда Улуғ Ватан урушига чақирилдим, 1945 йил декабрь ойининг охирида уйга қайтдим. Ўшандан буён Андижон районининг ҳозирги «Ямбол» совхози территориясида яшаб, меҳнат қилиб келяпман.

Буларнинг ҳаммаси — ҳаётимнинг ташқи кўрсаткичлари. Хўш мана шу олтмиш йил қандай ўтди? Аввало, ерли одамлар билан бирга яшаб, тинимсиз меҳнат қилдим, армияда хизмат қилиб юрган пайтларимда грузин ўз қўшиғини, ўзбек ўз ашуласини айтгани, туркман ўз шевасида хиргойи қилгани эсимда. Энг муҳими шуки, ҳаммамиз бир-биримизнинг дилимизни жуда яхши тушунар эдик. Кейинчалик, тинч пайтларда одамлар доимо бир-бирлари билан ҳамнафас, ҳамдам бўлдилар.

Хўш, энди орамизга ким нифоқ соляпти? Нега армани озарбайжонга ва озарбайжон арманига ғазаб ўтини сочаяпти? Нега Душанбеда қон тўкиляпти? Афтидан, мамлакатда беқарорлик бўлиши кимгадир манфаатли кўринади.

Шу боисдан ҳам, айтаманки, республика Олий Советининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик тўғрисида қабул қилган Фармони жуда муҳимдир.

АН СЕН НАМ,
Тошкент область Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхозининг бош агрономи

Тошкент область Ғалаба районининг «Заря коммунизма» колхозида ишлаб юрар эканман, миллатим корейс бўлса ҳам, ҳеч қачон ўзимни бегона, деб ҳис қилган эмасман. Ёнгинамда ўзбеклар, татарлар, руслар, тожиклар, корейслар ва бошқа миллат вакиллари бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Мен ватаннинг юксак мукофотига сазовор бўлдим. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони беришди. Турмушимиз жуда соз ва кўркам эди, аммо мамлакатимизда, ҳатто бизнинг республикамизда ҳам ягона аҳил оила — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида барча миллат ва элатларнинг осойишта яшашини хоҳламайдиган кучлар топилиб қолди. Ана шундай кимсалар рўй бераётган демократик жараёнларга зўр бериб халақит қилишга уринмоқдалар, ҳозирча улар бунга эришмоқдалар.

Шу муносабат билан республика Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» яқинда қабул қилган Фармонни жуда ўз вақтида кўрилган чора, деб дадил айта оламан. Бу Фармон республикадаги вазиятни барқарорлаштиришга, гўё қандайдир хавф-хатар бор деган бўлмағур миш-мишларнинг пайини қирқишга ёрдам беради.

Миллатлар ўртасига адоват солаётган, шу тариқа турмушимизда беҳаловатлик ва саросималик келтириб чиқараётган ғаламисларни қаттиқ жазолаш керак.

А. НАЗАРОВ,
Хива районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг аъзоси

Кейинги вақтларда республикамизда кескин вазият сезилмоқда, турли овозалар тарқалмоқда, булар бизни ташвишлантирмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони бизнинг кўнглимизни тўқ қилди. Бу масала республика раҳбарларини ҳам ташвишга солаётганини ва улар ўз меҳнатчилари ҳақида ўйлаётганини энди билиб олдим. Уни ўз вақтида қабул қилинган тўғри Фармон деб ҳисоблайман. Бу Фармон республикадаги вазиятни осойишта изга солиш йўлидаги жиддий қадамдир.

Б. БАҲРОМОВ,
Бухоро район «Сельхозхимия» бирлашмасининг агрономи

Бунақа Фармонни эртароқ қабул қилиш керак эди. Негадир доимо кечикиб қоляпмиз, муштлашувдан кейин ҳамиша қўл кўтаряпмиз. Хўш, бу муштлашувни ким чиқарди? Нопок одамлар: амалпарастлар, миллатчилар, жиноятчилар, пинҳона иш тутувчилар чиқарди, деб ўйлайман. Бизни қўрқувга, саросимага солиш ўшаларга керак, биз катта ишни — қайта қуришни бошлаганмиз. Бепарволигимиз, журъатсизлигимиз эса мана шу катта ишни хароб қиляпти. Бас, етар! Энг оддий тартиб ўрнатиш керак.

А. ОТАЖОНОВ,
Хоразм областидаги 296-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннанинг ғишт терувчилар бригадири

Мен оддий ишчиман, ўз меҳнатим билан кун кўраман. Менимча, дадил ҳаракатлар пайти келди. Агар турмушимизни алғов-далғов қилишни хоҳлайдиган кишилар бўлса, демак уларга қарши чора кўриш керак. Ахир, шов-шувлар нима ўзи? Шов-шувлар ўзича пайдо бўлмайди, у кимларнингдир ёвузлиги оқибатидир. Шов-шувлар фитнадан даҳшатлироқдир. У — аламзада ва маккор мақсаддир. Эълон қилинган Фармон саросима уйғотиш ишқибозларининг, енгил турмуш ишқибозларининг ва бизларнинг яшашимизга халақит берадиган бошқа кимсаларнинг пайини қирқади, деб умид қиламан.

Бригадамиз кўп миллатли. Аҳил яшаймиз. Одамга миллатига қараб эмас, балки унинг ишига, инсонийлигига, қалбига қараб баҳо берамиз. Бундан буён ҳам шундай яшаймиз ва ишлаймиз.

М. ЁҚУБОВ,
Хоразм область Янгиариқ районидаги уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси

Ниҳоят гапдан ишга ўтаяпмиз. Қачонгача жиноятчилар, экстремистлар, сафсатабозлар, шов-шув тарқатувчилар турмушимизга путур етказадилар?

Ниҳоят турли шов-шувларни тарқатувчилар эс-ҳушларини йиғиб олишар. Ахир, шу пайтгача ана шундай нохуш ишлар учун улардан ҳеч ким жавобгарликка тортилмас эди. Халқ чиқарилган Фармонни қўллаб-қувватлайди, уни тўғри ва ўз вақтида қабул қилинган Фармон, деб ҳисоблайди.

А. УМАРОВ,
«Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 12-цехи созловчиси

Чиқарилган Фармон Душанбеда рўй берган воқеалар бизда такрорланмаслигига ишонч бағишлайди. Дўстлик ва тинчлик — ер юзидаги энг олий неъматлардир. Ҳар қандай халқ айни дўстлик ва тинчликни ҳамиша авайлаб сақлаб келган. Ўзбек халқи ҳамиша ўзининг меҳмондўстлиги, саховати, самимийлиги билан ажралиб туради. Тошкент шаҳри ўнлаб миллатларни жипслаштиргани бежиз эмас. Ана шу миллатларни ўзаро уруштириб қўйишга, адоват уруғини сочишга, ягона оилани парчалаб юборишга уринаётганларнинг қатъият билан пайини қирқиш зарур. Мен ишлаётган меҳнат коллективи қабул қилинган чораларни маъқуллайди ва бу чоралар осойишта вазиятга ишончимизнинг кафолоти бўлади, деб ҳисоблайди.

А. ҚУРБОНОВ,
Кегайли район халқ назорати комитетининг раиси

Қорақалпоғистонда 80 миллат вакиллари аҳил ва ўзаро ҳурматда яшайдилар. Республикамизнинг Қозоғистон, Туркманистон билан, Хоразм области билан, РСФСР ва Украинанинг кўпгина областлари билан алоқалари янада ривожлантирилди. Нима учун мамлакатимиз халқлари алоҳида ажралишлари кераклигини, кимлар ва нима учун бизларни миллатлараро адоватга ундаётганлигини тушунмаяпман. Боку, Душанбе шаҳарларида рўй берган воқеалар ўрта асрларга хос даҳшатли воқеалардир ва бунда халқлар эмас балки сафсатабозлик қилиб, ҳокимиятни қўлга олишга жон жаҳди билан уринаётган кимсалар айбдордир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз турмуши яхшиланишининг кафолатлари пайдо бўлди. Кўпгина муаммоларни ҳал этиш йўллари белгиланмоқда ва улар КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга ҳаракат дастури лойиҳасида кўрсатиб берилган. Шундай экан вазиятни кескинлаштиришнинг, миш-мишлар тарқатишнинг нима кераги бор? Кимлар шундай қилмоқда ва улар қайси ниятда бунга жазм қилдилар? Миш-мишларнинг пайини қирқиш, уларни тарқатувчилар эса ўз қилмишлари учун жавобгарликни ҳис этишлари керак, деб ҳисоблайман.

К. ЛЕОНТЬЕВ,
Термиздаги пахта тозалаш заводининг слесари

Мен мамлакатда ва республикада содир бўлаётган демократик ўзгартишларни бутунлай қўллаб-қувватлайман, аммо бегуноҳ кишилар ўлимини ҳеч қандай оқлаб бўлмайди, деб ҳисоблайман. Демократиялашни, ошкораликни кучайтириш борасидаги барча ютуқларимиз Кавказ ортида, Фарғонада рўй берган воқеалар ва Душанбедаги тартибсизликлар вақтида ҳалок бўлганлар ҳаёти учун жавобгарлигимизни соқит қила олмайди. Давлат минг йиллар давомида ўз гражданларининг хавфсизлигини таъминлаб келган, бугунги кунда эса у жамиятга қарши кучлар олдида ночор эканлигини кўпинча намоён этмоқда.

Мамлакатда ҳам, республикамизда ҳам тартибни йўлга қўйиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш юзасидан фавқулодда чоралар кўриш зарур, деб ҳисоблайман.

Б. ОРТИҚОВ,
«Каршинефть» оператори, шаҳар Совети депутатлигига номзод

Шаҳарда осойишталик ва тартибни сақлаш учун биринчи галда турли миллат кишилари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, энг муҳими одамлар бир-бирларига «Сен ўзбек, сен рус, армани ёки грузин» демасликларига эришиш лозим. Одамларнинг инсоний фазилатларига, билимдонлигига ва ҳалоллигига қараб уларни баҳолаш керак. Бригадамизда 26 киши меҳнат қилади. Улар тўрт миллат — ўзбек, рус, тожик, корейс миллатлари вакилларидир. Аммо орамизда ҳеч қандай келишмовчиликлар бўлмайди. Бизлар бир-биримизга ҳурмат билан муносабатда бўламиз, ҳамиша бир ёқадан бош чиқариб, иш кўрамиз. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажарамиз.

А. ЭШОНОВ,
Косонсой пиллакашлик фабрикасининг меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи

1988 йилнинг охирида кимдир гўё Косонсойдаги оналар ва болалар санаторийсига Ливандан болалар олиб келинди ва улар маҳаллий аҳоли оилаларига берилади деган миш-миш тарқатди. Қанчадан-қанча кишилар вақтларини беҳуда кетказиб, етимларни ўз бағрига олиш мақсадида ҳузуримизга келишди. Бу миш-миш эканлигини билгач, ғоят ғазабланишди.

Бугунги кунда эса миш-мишлар Тожикистонда нохуш воқеани келтириб чиқарди. Биз, Косонсой районида истиқомат қилаётган тожиклар ҳаммани миш-мишларга ишонмасликка, ақл-идрокка амал қилишга даъват этамиз.

А. ҚОДИРБЕКОВА,
Нукусдаги Бердах номли ўрта мактаб директори

Бизда осойишталик, аммо Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабул қилган Фармон баъзи қитмирлар, сафсатабозлар ва иш ёқмаслар учун фойдали бўлади. Олдимизда қандай қийинчиликлар ва муаммолар турмасин, ваҳимага тушмаслигимиз керак. Кўчаларимизни ур-йиқит майдонига айлантирмаслигимиз зарур.

Турмуш мураккаб эканлиги ҳаммага равшан. Магазинларимиз бўм-бўш, нарх наво ошмоқда, чайқовчилар эса бундан фойдаланмоқдалар.

Аммо бардошли бўлишимиз лозим. Ўтиш даври ҳамиша қийин бўлади. Такрор айтаманки, энг муҳими, ваҳимага тушмаслигимиз, миш-мишларга қарши жипслашишимиз, одамларга ҳақиқатни гапиришимиз керак.

Фармон жиноятчиликка қарши курашиш учун илгари ташкил этилган муваққат комитетларга мадад бўлади. Шахсан мен шаҳримиз ва бутун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат кишиларининг осойишта турмуши ҳамлалардан мустаҳкам ҳимоя этилиши учун имкони бўлган барча ишларни қиламан.

Н. КАМОЛОВ,
Самарқанд медицина институтининг ректори

Бугунги кунда ҳукумат жамоат тартибини сақлашга қаратилган чораларни ҳамиша кечикиб қабул қилади, деган таъналарни тез-тез эшитиш мумкин. Одамлар тартибсизликлардан, масъулиятсизликдан, миллатлараро, адоват чиқариб, миш-мишлар тарқатаётган айрим муртадларнинг бемаъни шафқатсизлигидан, иғвогарона ҳуружларидан чарчадилар. Қайта қуришга берилаётган бундай зарбалар одамлар орасида қўрқув, эртанги кунга ишончсизлик уйғотишга интилаётган жиноятчи ва порахўр унсурларга қўл келмоқда.

Фармон шунчаки расмий ҳужжат бўлиб қолмай, балки оғишмай амалга оширилиши керак. Фармоннинг Самарқандда турмушга татбиқ этилиши ўзининг дастлабки самарасини бермоқда, одамларни сергаклантирмоқда. Вазиятни издан чиқаришга уринишларга қонунни, ҳуқуқ-тартибот органлари билан жамоатчиликнинг қатъий ва дадил ҳаракатини қарши қўйиш даркор.

Н. АЗИМОВ,
Вобкент район ишлаб чиқариш корхонаси трактор цехининг мудири

Бизда ҳам турли миш-мишлар тарқалмоқда. Баъзан варақалар пайдо бўлмоқда. Бу эса аҳволни беқарорлаштиради. Одамларда ишончсизлик пайдо бўлади, ишончсизлик одамлардек яшашга, ишлашга, уй юмушлари билан шуғулланишга халақит беради. Мен ҳукуматимиз қаёққа қараяпти, деб ўйлаб юрардим.

Мана, Фармон эълон қилинди. Бу Фармон турли миш-мишлар ва уйдирмалар тарқатаётганларнинг йўлига ғов қўйишига умид қиламан.

Яна бир нарсани айтмоқчиман: одамлар таклиф этилаётган чора-тадбирлар қандай амалга ошишини билмасалар, ҳеч нарса ёрдам бермайди. Мазкур Фармон ошкоралик муҳитида ва ўз вақтида бажарилиши керак. Газеталарда, радиода одамларга рўй берган ҳар бир ҳодиса, қабул қилинган барча чоралар ҳақида айтиб туриш керак. Ана ўшанда самара бўлади.

Яна бир нарсани айтиб ўтай: ушбу Фармонни ҳар ҳолда олдинроқ қабул қилиш керак эди, деб ҳисоблайман. Ана ўшанда катта наф кўрган бўлур эдик. Энди эса жараённи тўхтатишимиз керак. Бу иш анча мураккаб эканлиги маълум.

Б. ХАТУНЦЕВ,
«Ферганская правда» газетасининг ходими

Ҳовлимизда, хонадонимизда осойишталик бўлишини хоҳламаётганларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилишини фарғоналикларнинг кўпчилиги қўллаб-қувватламоқда. Мен юртдошларимнинг кўпчилиги билан суҳбатлашдим, уларнинг айтганларига қулоқ солинг:

В. Н. Минаев, КПСС аъзоси, пенсионер, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг собиқ ходими: «Мен ўзбек заминида кўп йиллардан бери яшайман. Бу эса ўзбек халқининг қалбини билиб олишимга имкон берди. Менинг ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари орасида ўртоқларим, таниш-билишларим кўп. Ўртоқлигимиз, дўстлигимизга муртадлар путур етказишмоқчи. Улар умумий хонадонимизни бузишмоқчи. Мен республика Олий Совети Президиуми Фармонини қувватлайман. У ўз вақтида қабул қилинди. Фармоннинг бажарилиши — ягона истагим. Лекин бу ишда кўп нарса ўзимизга боғлиқ бўлади. Халқ маъмурларга тартиб ўрнатиш учун курашда ёрдам бериши зарур».

Н. Чесноков, Фарғона шаҳар тўқимачилик комбинатининг ишчиси: «Мен Фарғонада туғилганман. Мордва миллатига мансубман. Лекин ватаним — ўзбек тупроғи. Менга қаергадир жўнаб кетгин, дейишаяпти. Қаерга бораман? Бу гапларни оми, фикри тор одамлар айтишяпти. Улар ўз хатти-ҳаракатлари ўзбек халқига бахт-саодат келтирмаслигини тушунмайдилар. Ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳашар йўли билан бартараф этиш анча енгил. Одамлар орасига нифоқ солаётганлар жазоланиши керак».

Т. Усмонова, Фарғона шаҳар болалар уйининг тарбиячиси: «Айрим сотувчиларга эътибор берадиган вақт келди. Масалан, гўшт билан савдо қилувчиларни олайлик. Улар гўшт тортишаётганида кўпроқ суяк қўшиб юборишга ҳаракат қилишади, аёллар (улар харидорларнинг асосий қисмини ташкил этади) бундан жаҳллари чиқа бошлаши билан, сўлақмондай йигитлар: «Хоҳламайсанми, яхшироқ юртга жўнаб кет бўлмаса», деб айтишади. Мен уларни бундай хатти-ҳаракатлари учун ана шу Фармонга мувофиқ жазолаш керак, деб ҳисоблайман».

Юқорида фарғоналик уч кишининг фикрларини келтирдим. Лекин бу областимиздаги кўпчилик аҳолининг фикридир. Фармон Фарғона заминида тартибни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонаман.

Ҳ. ЮСУПОВА,
Тошкент агрегат заводи медицина-санитария қисмининг терапевти

Фармон ўз вақтида, тўғри қабул қилинди. Лекин бундай қарор қабул қилиниши заруратига йўл қўйганимиз алам қилади. Одамлар у ёки бу хабарнинг қанчалик асосланганини бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмай, уни бошқаларга етказишга ҳаракат қилишларини неча марта кўрганман. Биз ўзимиз фитна-иғволарга зарба беришимиз лозим. Зотан, бирорта ҳам зўр қонун, агар ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб тилига кучи етмайдиганларга қарши курашмасак, самара бермайди. Энг аввало ўзбек халқи жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакилларига ўз тақдирлари, ўз фарзандларининг тақдири учун ташвишланишга ҳеч қандай ўрин йўқлигини кўрсатиши керак.

А. ҲУРБОЕВ,
Поп районидаги 8-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг муаллими

Одамларда қўрқиш ҳисси, ишончсизлик пайдо бўлди. Гўёки, қандайдир бир фалокат бостириб келаётгандек.

Лекин эълон қилинган Фармон кишида ишонч туғдиради, у аҳволни барқарорлаштиришга ёрдам бериши керак. Энди сўз амалий ишга айланишига эришиш зарур.

Ҳаммани тартибни сақлашга ва уюшқоқликка чақираман. Ҳар биримиз миш-мишларни тарқатаётганларга тезлик билан зарба беришимиз даркор. Бу ишда, биз, тарбиячиларга кўп нарса боғлиқ. Ўзимиз тарбиялаётган болаларнинг қалбларига қулоқ солиб, юртдошларимизнинг оиласида кайфият қандайлигини билиб олишимиз мумкин. Сиз билан бизнинг юмушларимиз ва вазифаларимиз ҳар бир хонадонга ишонч ва осойишталик бахш этиши керак. Шарқда муаллимнинг бир оғиз сўзи доимо салмоқли бўлган.

Мен барча ўқувчиларга, улар орқали эса барча ота-оналарга мурожаат қилиб, уларни миш-мишларга ишонмасликка чақираман!

А. РЎЗИМАТОВ,
«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари

Менинг назаримда, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фармони ўз вақтида бўлди, лекин у жуда ожиз. Қонунни янада кучайтириш, яъни жазо муддати ва жарима ҳажмини кўпайтириш керак эди. Белгиланган жарима пули иғвогарлар учун ҳеч гап эмас. Одамларнинг ҳис-туйғулари билан ўйнашадиган киши қаттиқ жазоланиши лозим. Миш-мишлар ундан манфаатдор бўлган кишилардан чиқади.

Мен 1966 йилда бошимизга кутилмаганда кулфат тушганда ҳамма ёрдам қўлини чўзганлигини ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Қардош республикаларимиз шаҳримизни тиклашда қандай ҳисса қўшганликлари халқимизга маълум.

Бирлашмамиз кўпмиллатли, ҳаммамиз ягона оила бўлиб меҳнат қиляпмиз. Биз шаҳардаги кескинликни пасайтиришга ва аҳволни барқарорлаштиришга қаратилган ишларни доим қўллаб-қувватлаймиз. Ҳар гал қонун бузилганида уни кенг ёритиш керак деб ҳисоблайман. Қонунбузарлар ким эканлигини, қаерда ишлаб, қаерда яшашларини одамларга билдириб қўйиш керак.

М. ШАКУРОВ,
Тошкентдаги ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси механика заводининг фрезерчиси

Аёллар шундай дейишмоқда, «Яшаш қўрқинчли бўлиб қолди, одамлар бир-бирлари билан тез-тез уришиб қолмоқдалар». Очиғини айтсам 1966 йилда рўй берган ва бутун мамлакат Ўзбекистонга ёрдам бераётган вақтда ҳеч ким сенинг миллатинг қанақа, қайси республикадан келдинг, деб сўрамасди. Ҳаммамиз аҳил бўлиб ишлардик.

Эндичи? Мен ишчи сифатида бундай миш-мишлар ишчилар синфига эмас, балки бу ишдан фойдаланиб қолмоқчи бўлган бир тўда ғаламисларга керак, деб ҳисоблайман. Фармоннинг баъзи бандлари янада қаттиқроқ бўлиши керак эди. Биз, дастгоҳ олдида ишлаётган кишилар ўз хавфсизлигимизни ҳис этишимиз, районда, шаҳарда, республикада ўз оилаларимизни якка ҳолда ҳимоя қилишни ўйламаслик учун уни ҳимоя қилишга қодир Совет ҳокимияти борлигига ишончимиз комил бўлиши лозим.

Ю. КОНОВАЛОВ,
Уруш ва меҳнат ветерани, Тошкент шаҳар Юнусобод массиви II кварталидаги 17-уй комитетининг раиси

Миллатлараро адоватни авж олдирганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш керак. Бунга ҳеч йўл қўйиб бўлмайди. Шаҳримиз ҳақиқатан ҳам дўстлик шаҳри деб ҳисобланади, айрим экстремистларнинг турли миллат кишилари ўртасида ишончсизлиқ ҳамда адоватни авж олдиришига имкон бермаслиги керак. Республикамизнинг, шаҳарнинг раҳбарлари телевидение орқали ҳам рус, ҳам ўзбек тилида мазкур масалалар юзасидан тез-тез чиқиб туришлари аҳволни тушунтиришлари, барқарор муҳитни сақлаб туриш борасида амалга оширилаётган ишлар, тадбирлар тўғрисида гапиришлари зарур деб ҳисоблайман.

Т. ЭШИМОВ,
Шўрчи районидаги Киров номли колхознинг ижарачиси

Қабул қилинган Фармон огоҳлантириш хусусиятига эга, жамоат тартибини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатади. Айни вақтда қўриладиган чора-тадбирларни янада кучайтириш керак, деб ҳисоблайман. 200—1000 сўм атрофидаги жарималар баъзи кишиларга, айниқса тартибсизликлар тарафдорлари бўлган шахсларга ҳеч гап эмас, уларга ҳеч қандай зиён келтирмайди.

М. МИРЗАЕВ,
Андижон область Москва район халқ таълими бўлимининг мудири

Бундай тадбирларни Иттифоқ миқёсида ҳам қабул қиладиган вақт келди, деб ўйлайман. Чунки, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ҳар бир совет граждани хавфсизлигини таъминлашга кафолат бериш вазифаси ўзининг энг муҳим мақсади бўлиши кераклигини тақозо этади.

М. АБДУРАШИДОВ,
Марғилон нон заводининг смена мастери, комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи

Сўнгги вақтда республикамизда, шу жумладан, бизнинг Марғилонда ёшлар қонунни бузган ҳоллар, уйларни кўп марталаб тунаб, безорилик қилган ҳоллар бўлди. Жамоат тартибини бузганларга фақат жарима солишни эмас, айни вақтда улар яшайдиган маҳаллаларда йиғилишлар ўтказиб, муҳокама қилишни, улар тўғрисидаги бор гапларни шаҳар газетасида эълон қилишни ва радио орқали эшиттиришни таклиф этаман.

Р. ҚУДРАТОВ,
Уруш ва меҳнат ветерани

Миш-мишларга фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қарши курашиши керак эмас. Жамоатчилик ва жамоат ташкилотларининг кучларидан фойдаланиш зарур.

Партия комитетлари эса миш-мишлар тарқатаётган, коллективлар ичида асабий ҳолатни юзага келтираётган коммунистлардан жуда қаттиқ талаб қилишлари лозим. Зарур бўлса, қатъий ҳаракат қилиш, ҳатто КПСС сафларидан ўчириш керак.

Жуда масъулиятли даврни бошимиздан кечиряпмиз. Ҳамма нотўғри айтилган бир оғиз сўз қимматга тушиши мумкинлигини яхши ёдда тутиши даркор.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДАГИ РЎЗҒОР ХИМИЯСИ ФАБРИКАСИ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН

Бизнинг меҳнат коллективимиз жуда байналмилал коллектив. Бу ерда узоқ йиллардан бери ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, руслар, корейслар, мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат ва элатларнинг вакиллари елка-ма-елка туриб меҳнат қилишмоқда ва улар орасида ҳеч қачон миллатлараро ҳеч қандай келишмовчилик бўлмаган. Биз ҳаммамизни уриштириб қўйиш мақсадидаги турли миш-мишларнинг тарқалишига қарши курашамиз.

Биз меҳнат коллективларига мурожаат қилиб, улардан республика Олий Совети Президиумининг мазкур Фармонини муҳокама этишга ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, райондаги аҳволни барқарорлаштиришга қаратилган зарур тадбирларни кўришга чақирамиз.

С. МАВЛОНОВ,
Қўқон шаҳар партия комитети идеология бўлимининг мудири

Қўқон шаҳар меҳнаткашлари Олий Совет Президиумининг Фармонини маъқуллаб кутиб олдилар. Жойларда ана шу Фармонни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишлар бўлмоқда. Қўқон шаҳридаги «Большевик» заводининг қуюв цехида ҳам шундай йиғилиш ўтказилди.

«Мен Фармонда қайд этилган жавобгарлик чоралари жуда бўш деб ҳисоблайман. Фарғона воқеалари ҳам миш-мишлардан бошланган. Натижада катта моддий зарар етказилган эди. Бу зарарнинг ўрнини қоплаш мумкин, лекин қурбон бўлган одамларнинг ўрнини қандай қоплаймиз», деди коммунист ишчи **Йўлдошали ЭРГАШЕВ.**

Қолипловчи коммунист **Арабжон ТОИРОВ** ўз нутқида шундай деди. «Фармонни қувватлайман, лекин бир фикрим бор — Фармонда турли миш-мишларни била туриб, уларнинг пайини қирқиш учун ҳеч қандай чора кўрмаётган ходимларга нисбатан жавобгарлик чораларини ҳам кўрсатиш тўғри бўлур эди».

«Ўзбекистон энг байналмилал республика десам, янглишмайман. Ўзбек халқининг қалби пок, у дўстликни қадрлайди, бошқа миллат вакилларига ҳеч қачон зиён етказган эмас. Бу халқ қатағон йилларида ўз ҳуқуқини йўқотган кўпдан-кўп кишиларни бағрига олган эди. Биз халқлар ўртасига нифоқ солишни хоҳлаётган, миш-мишлар тарқатаётган кишиларга қарши курашмоғимиз керак», деди меҳнат ветерани, татар миллатининг вакили **Исмоил КИТАЕВ.**

Ушбу материални Ўзбекистон Ахборот агентлиги ҳузуридаги республика махсус матбуот группаси тайёрлади.

● Фармон амал қилмоқда

ГРАЖДАНЛАР ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Озарбайжоннинг Девичи шаҳрида туғилиб ўсган И. Гусейнов арманларга қарши гап очиши билан «Самарқанд» меҳмонхонасининг кафесида ўтирган хўрандаларнинг ғазаби қайнаб кетди. Сиёб район ички ишлар бўлимининг ходимлари уни ушладилар, иш судга оширилди.

Халқ судьяси Э. К. Кастамирова раислигида ўтган суд мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига асосан Гуссейновга 500 сўм жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу куни, яъни 14 февралда Сиёб район суди инсон шаънини таҳқирлаш билан боғлиқ яна бир ишни кўриб чиқди. Самарқанд маҳаллий саноат ремонт қурилиш бошқармасининг ишчиси У. Сатторов бозорда мева сотаётган граждан Колбиевни ҳақорат қилди. Харидорга мева нархи ҳаддан ташқари қиммат туюлган эди... Халқ судининг қарори билан Сатторов маошининг бир қисмини ушлаб қолиш шарти билан икки ой муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинди.

Самарқандликлар Фармонни республика гражданлари шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қиладиган, ўз вақтида қабул қилинган қонуний ҳужжат, деб кутиб олдилар. Суд маъмурлари уни оғишмай ижро этишга киришди.

(ЎзТАГ мухбири).

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ТИЛ ВА ДИЛ

ХАЗИНА

Бундан беш юз йил илгари Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида ўзбек тилининг бойлигини, лексик-стилистик имкониятлари чексизлигини исботлаб, ичмоқ феълининг муболағали кўриниши сипқормоқ, оз-оз ичмоқ мазмуни томшимоқ, жуда кўп ичиш бўхсамоқ шакллари орқали ифодаланишини кўрсатиб ўтган эди. Шоир тил бойлигини ўз асарларида амалий жиҳатдан ҳам намоён этди.

Жумладан, «Лайли ва Мажнун» хотимасида:

Мен туркча бошлабон
ривоят
Қилдим бу фасонани
ҳикоят.
Ким шуҳрати чун жаҳонга
тўлғай
Турк элига доғи баҳра бўлғай, — деб ёзган эди.

Навоийдан кейин ўзбек тили жуда катта йўлни босиб ўтди, луғат бойлиги янада ривожланди, фикр ифодалаш имкониятлари кенгайди, такомиллашди. Ҳозир бу тилда энг мураккаб фикрларни ифодалаш мумкин. Ўзбек тили жаҳон миқёсига чиқди. У бугунги кунда Япония, АҚШ, Англия, Канада, Арабистон, Хитой, Франция каби давлатларда қизиқиш билан ўрганилмоқда. Масалан, япониялик Итару Комацу Токиода ўзбекча-японча луғат нашр эттирди. Америкалик И. Д. Лауде-Циртаутас, А. Шеберглар ўзбек тили бўйича қўлланмалар чоп қилишди. Француз олими Ж. Грамонт «Бобурнома»ни эски ўзбек тилидан француз тилига ағдариб, ЮНЕСКОнинг таржималар бўйича махсус мукофотини олди.

Канадалик Е. Биренбаум Лутфий асарларини ўрганаяпти. Ўзбек тили турли сабаблар билан хорижда яшаётган ватандошларимизнинг ҳам диққат марказида. Чунончи, арабистонлик ҳамюртимиз бир суҳбатда: «Биз уйда ўзбекий, кўчада арабий гаплашамиз, бу тил бизнинг узоқда яшаётганлигимизга таскин берувчи ягона восита», деб айтган эди.

Иттифоқимизда ҳам ўзбек тилига қизиқиш катта. Рус олимлари ҳамма вақт унга ҳурмат билан қараб келганлар. Профессор А. К. Боровков Тошкент Давлат университети талабаларига ўзбек тилида лекциялар ўқиган. Маъруза жонли бўлиши учун турли халқ мақолларидан усталик билан фойдаланган. Ленинграддан Тошкентдаги ҳамкасабалари, шогирдларига ўзбек тилида ёзган ўнлаб хатлари ҳурматли устозининг нақадар маданиятли бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирги пайтда бундай алоқани профессор А. М. Шчербак мисолида кўриш мумкин. У хоҳ Ленинградда, хоҳ Тошкентда бўлсин, ўзбек олимлари билан фақат ўзбек тилида сўзлашади. Агар мактуб йўлласа, уни албатта ўзбек адабий тилида ёзади.

Кўриниб турибдики, ўзбек тилига қизиқиш, уни ўрганиш кучайиб бормоқда. Энди ўзбек тилига шунчалар ҳурмат бўлиб турганда, ўзимизнинг айрим зиёлиларимиз (оддий халқни қўйиб туринг) ўз тили тарихига бефарқ қараб келаётганлиги кишини ажаблантиради. Айрим зиёлиларимиз Ўрхун ёзуви нима, қаерда, уларда нима ёзилганлигини билмайдилар. Ўзбек халқининг кўп асрлик маданияти ҳақидаги тушунчалари ибтидоий. Айримлари «менинг соҳам бўйича қилинадиган ишдан шунча фойда олинади, сенинг ўзбек тили ва адабиётингни ўрганишнинг қандай фойдаси бор?» қабилида жўн фикр юритадилар. Улар адабиёт, тарих, санъат, ўлкашунослик музейларида сақланаётган осори атиқларга бефарқ қарайдилар, қадрига етмайдилар. Чет элликлар катта қийинчиликларни енгиб Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хивадаги ота-боболаримиз яратиб кетган ёдгорликларни кўришга имкон топганда, баъзи зиёлиларимиз ўз юртидаги маданий меросни дурустроқ билмайдилар.

Ўз тилимизга, маданиятимизга эътиборсизлик шунга олиб келдики, Демокрит, Гиппократ, Жак Руссо айтган сўзларни биламизу лекин ота-боболаримиз — Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий улардан икки-уч юз йил илгари яратган шарқ ҳикматларидан тўла хабардор эмасмиз. Агар Беҳзод тўғрисида гап кетса, уни албатта Шарқ Рафаэли деб таъриф берамиз, аммо ижодини пухта тадқиқ этмаганмиз.

Бу соҳада республикамиздаги бошқа зиёлилардан, айниқса рус олимларидан ибрат олса арзийди. Улар мутахассислиги химик бўладими, физик бўладими ўз тилларини, маданиятини қадрлайдилар, бу хазинани синчиклаб ўрганадилар, ота-боболари яратган меросга ҳурмат билан қарайдилар.

Биз ота-боболаримиз яратган моддий ва маънавий ёдгорликларни авайлаб сақлашимиз, улардан маънавий озуқа ола билишимиз керак. Бу баркамоллик йўлидир.

Э. УМАРОВ,
филология фанлари номзоди.

«ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТАДИ»

Жиноят содир этилган. Ёшгина аёл ҳалок бўлган. Шаҳарда кўпчилик танийдиган шифокор бунга айбдор эканлигини тергов рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаган. Лекин таъсирчан кишиларнинг қўнғироқлари тинчлик бермайди, терговчига тазйиқ бошланади. Томошабинда: «Ҳуқуқ-тартибот органларининг ёш мутахассиси «юқори»нинг қисдибастига бардош бера олармикин?» — деган савол туғилади.

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Мансур Равшанов драматург Исроил Тўхтаев пьесаси асосида яратган «Тергов давом этади» спектакли ана шу саволга жавоб беради.

СУРАТДА: асардан бир кўриниш. Ролларда: Пардаев — Б. Муҳаммадкаримов (чапда), Ҳасанов — Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Азизов.

А. РИСҚИЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

СПОРТ АХБОРОТИ

ФУТБОЛ

Кўп сонли футбол ишқибозлари Италияда бўладиган жаҳон биринчилигини сабрсизлик билан кутаяптилар. Финал баҳслари ўтадиган кунлар яқинлашган сари уларга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Шу боис олтин медаллар учун курашадиган коллективлар бўлажак учрашувларга тайёргарликни кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Мисол учун мамлакатимиз терма командасини олайлик. Футболчиларимиз шу кунларда Италияда меҳмон бўлиб турибдилар. Улар маҳаллий клублар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, айни пайтда Апеннин ярим ороли табиий шароитларига мослашмоқдалар.

Терма командамиз аъзоларининг дунёдаги машҳур клублардан бири — «Интернационале» (Милан) билан ўтказган ўртоқлик учрашуви ишқибозлар эътиборини жалб этди. Унда футболчиларимиз жанговар составда ўйнадилар.

Италияликлар учрашувни ҳужум билан бошладилар. Аммо ватандошларимиз ҳисобни биринчи бўлиб очиш имкониятига эга бўлишди. Родионов 6-дақиқада бундан фойдалана олмади. У қулай вазиятдан тепган тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Майдон эгалари эса 11 метрлик жарима тўпини яхши бажариб, олдинга чиқиб олдилар. Ана шу ҳисоб ўйин охирига қадар ўзгармади.

Куни кеча футболчиларимиз яна бир учрашув ўтказишди. Бу сафар Потенец шаҳри командаси уларнинг рақиби бўлди. Аммо томонлар 90 дақиқа мобайнида ҳужумкорлик шиори остида ўйнаганларига қарамай ҳисоб очилмади.

ХОККЕЙ

Чим хоккей бўйича Покистонда ўтаётган жаҳон биринчилигининг навбатдаги тур учрашувларида мамлакатимиз вакиллари Лаҳор шаҳрида дунё чемпиони — Австралия терма командаси билан баҳслашдилар. Афсуски, бу матчда уларнинг омади келмади, 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Бугун шайбали хоккей бўйича СССР биринчилигида навбатдаги учрашувлар ўтказилади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бирданига уч команда чемпионлик унвони учун курашмоқда. Ҳозирча 60 тадан очко жамғарган «Динамо» (Москва) ва «Химик» (Воскресенск) коллективлари дастлабки икки ўринни банд этиб турибдилар. Мамлакатнинг кўп бор чемпиони — МАСК эса икки очко фарқ билан орқада бормоқда.

ШАХМАТ БУРЧАГИ

СССР спорт мастерлигига номзод Анвар ИНОҚОВ таҳрири остида





Икки юришда мот

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЁҚУБОВ.

Келинг, бир кулишайлик!

Муҳаррир ҳаваскор ёзувчининг ижоди билан танишаркан:

— Манави ҳикоянгизнинг бошида ярқ этиб кўринган нур охиригача бормапти-да, — деди.

— Жуда тўғри топдингиз, устоз. Ҳафсала билан ёзиб турувдим, бирдан чироқ ўчиб қолди. Ҳикоянинг қолган қисмини ойнинг ёруғида ёзувдим, — жавоб берди ҳаваскор ёзувчи.

* * *

— Биринчи ўғлимнинг отини Собит қўйдим. Иккинчисига акасининг исмидаги ҳарфлардан биттасини олиб ташлаб Обид қўймоқчиман, — деб керилди ёш ота.

— Унда учинчи билан тўртинчисининг исми нима бўлади? — сўради ўртоғи.

Қ. НОРБОЕВ.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

Ишдан келганда ойим,
Кўксимда қўлим доим:
— Ассалому алайкум.
Ишдан қайтганда дадам,
Қаршилайман ўша дам:
— Ассалому алайкум.
Кимга тушса гар кўзим,
Айтадиган илк сўзим:
— Ассалому алайкум.
Қўни-қўшни, танишлар
Аҳвол сўраб, дил хушлар:
— Ассалому алайкум.
Инсонга одат салом,
Ёр бўлсин ушбу калом:
— Ассалому алайкум!

Маҳмуд ЮНУС.

ЗАҒИЗҒОН

Ғоз холанинг томоғи
Оғриб қолибди.
Доктор излаб, тополмай,
Уйга толибди.
Раҳми келиб Зағизғон
Халат кийибди.
Дори қўйиб, томоғин
Боғлаб қўйибди.
Хурсанд бўлиб Ғоз хола
Дер эмиш: «Ғоқ-ғоқ,
Қўлинг енгил экан-ку
Шифокор ўртоқ».

Мирза АБДУЛЛА

АҚЛИ КИРСА

Улоқчам-ей бирам шўх,
Югуради мисли ўқ.
Ўйноқлайди,
Сакрайди,
Ариқчадан ҳатлайди.
Кўзи тийрак улоқчам,
Ўзи сергак улоқчам.
Ниҳолча шохин эгар,
«Мош»нинг жиғига тегар.
Кўзига қилар ҳамла
Кўриб дерлар дадамлар:
— Улоқчанг жуда шўх-да,
Ҳали ёш, эси йўқ-да.
Сал ўссин, ақли кирар,
Шўхликни ҳам кам қилар.

ҒИРРОМЛИК

Шунча ялинган билан
Қайта кураш тушмади.
Акаси билар феълин
Ботирни уришмади.
Чувиллашар болалар,
Ҳар ёндан учади гап:
— Юраги йўқ, эҳ қўрқоқ,
Юрибмиз полвон санаб.
Ботир дейди жовдираб:
— Ор қиламан қўрқоқдан,
Ғирром экан бу бола.
Чалар экан оёқдан.

Ҳабиб РАҲМАТ.

Охунжон қизиқ ҳангомалари

ТАНИШУВ

«Марғилон ҳақиқати» газетасида иш бошлаган кезларим эди. Кечки соат бешлар чамаси. Хонада шоир Мамадали Умаров навбатдаги сонга материал туширар, мен эса хатлар билан танишмоқда эдим. Шу пайт ўрта бўйли, ориққина киши кириб келди-да, хонада пирпирак бўлиб айлана бошлади. Мамадали ака уни қизғин қаршилади:

— Келсинлар, келсинлар, Охунжон ака!

У кишининг қизиқ ҳаракатларига кулиш-кулмасликни билмай, лол туриб қолган эдим. Ҳалиги одам шоир билан таъзим-тавозе ила қўш қўллаб кўришди.

Сўнг Мамадали ака менга ўгирилди:

— Бу кишини танийсизми?

— Йўқ.

— Машҳур Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг шогирди Охунжон қизиқ бўладилар.

Охунжон ака ўрнидан туриб, тавозе билан таъзим қилиб қўйди-да, шоирга мурожаат этди:

— Мамадалихон, битта саволим бор.

— Қани-қани?

— Оқ товуқ ақллими, қора товуқми? — деди Охунжон қизиқ жиддий тарзда.

Устозим менга хижолатовуз қараб қўйди-да, елка қисди.

— Шоир бўлсангиз ҳам билмас экансиз. Билмасангиз билиб олинг. Албатта қора товуқ ақлли!

— Сабаб?

— Негаки, қора товуқ оқ тухум туғади, оқ товуқ қора тухум туғолмайди.

Мамадали ака кулиб юборди:

— Шунга ҳам аҳамият берган эканлар-да, а?!

Хонага журналист Ўктам Эшонбоев кирди.

— Ие, ие, келсинлар, келсинлар! — Ўктам ака букилганча йўрғалаб бориб кўришди. — Бой ака, бардам-бақувват юрибдиларми?

— Шукур, Ўктам бола, шукр. Кеча ўзларини фирманинг қизлари орасида кўрган эдим. («Атлас» фирмасининг демоқчи). Юрган эканлар бир ўқ билан икки булбулни уриб...

Ўктам аканинг бир кўзи ғилайроқ эди. Охунжон қизиқ шунга ишора қилди. Умумий кулгуга Ўктам Эшонбоев ҳам беғараз қўшилди. Аммо бўш келмади:

— Театрда оилангиз билан ўтирган экансиз, менам кўрдим.

— Ҳа, ҳа.

— Хотинингиз шундай йўталдики, ҳамма унга қаради. Нима, тумов-пумов бўлиб қолганмилар? (Охунжон ака хириллаброқ гапирарди, шунга ишора).

— Йўқ, — деди Охунжон қизиқ бамайлихотир, — у янги кўйлак кийганди. Ҳеч ким қарамаганидан кейин йўталиб ўзига қаратади-да.

— Марғилоннинг автокассаси олдида пиво сотаётган сизмидингиз, Охунжон ака?

— Ҳа-да, укам.

— Янги касблар муборак бўлсин! Четдан кузатиб турдим, стаканни ҳеч тўлдирмай сотдингиз-а? Қойилман.

— Кўз чатоқроқда укам, кўз чатоқроқ.

— Лекин қандингизни уринг, кўзингиз чатоқ бўлсаям, бирор марта пивони тошириб юбормадингиз.

Охунжон ака бўйнини чўзиб хирқиради:

— Нима, сиз мени бутунлай кўр бўлиб қолган, деб ўйлаганмидингиз?

Кулги. Аскияга Мамадали Умаров аралашди.

— Ақахон, касбни ҳам тез-тез ўзгартириб турасизми, дейман.

— Бир жойда ишлайверсам семириб кетаман, домуллажон. (Мамадали ака тўладан келган киши эди).

— Фарғона театрусида кассирлик қилаяпсиз, деб эшитдим.

— Тўғри, тўғри.

— Бугунги спектакль қанча давом этар экан, билмайсизми?

— Нима десам экан, — жиддий қиёфага кирди Охунжон ака. — Баъзида икки соат, баъзида бир соат, баъзида ундан ҳам оз.

— Нега?

— Актёрлар охирги томошабин қолгунча ўйнашади-да.

Ҳазил-мутойиба билан вақт ўтгани ҳам сезилмади. Соат олтидан ўта бошлаган эди. Охунжон ака кетишга чоғланди. Уни кузатиб ташқарига чиқдик. Йўл устида бир ит ётган экан. Охунжон қизиқ итга ўдағайлади:

— Тур-е, касофат. Шу янги этигим билан бир тепаман. (Сўнг виқор билан соатига қараб қўйди) беш минутдан кейин асфаласофилингга даф бўласан.

— Ие, этик билан соат муборак бўлсин! — деди Ўктам ака.

— Қуллуқ, ука, қуллуқ.

Билсак, Охунжон қизиқ янги этик билан соат олибди. Бирор кимсадан «қуллуқ бўлсин» деган сўзни эшитмай, бунга ўзи ишора қилган экан.

Мушарраф ОХУНОВА.

ГЎЗАЛ ҚАЛБ СОҲИБИ

Каттақўрғон шаҳридаги кўзи ожизлар корхонасига тез-тез йўлимиз тушиб туради. Бугун эса алоҳида мақсад билан бу ерга келдик. Ниятимиз шу корхонанинг илғор ишчиси, классик қўшиқлар ижрочиси Қувондиқ Сувонов билан учрашиб, батафсил суҳбатлашиш эди.

Корхона директори Инат ака Муродов билан Қувондиқ меҳнат қилаётган пояндоз тўқиш цехига кирдик. Барча дастгоҳлар бир маромда ишлаяпти.

— Ҳорманг, Қувондиқ, — яқинлашдик қўли қўлига тегмай, чаққон ишлаётган кишининг дастгоҳи ёнига келиб.

— Бор бўлинглар, — жавоб берди у.

— Бугунги ишингиз баракали кўринади? — сўради корхона раҳбари.

— Ҳа, тушгача 8 метр тўқиган эдим. Иш соати тугагунча яна 7 метр топширмоқчиман.

— Қўлингиз дард кўрмасин, Қувондиқ!

Биз унинг сеҳргар қўллари билан тўқилган бежирим, хонадонларимизга зеб берувчи пояндозларини кўриб, тикувчининг моҳирлигига тан бердик. Ҳа, рангбаранг, нафис пояндозларни ҳақиқатан ҳам кўзи ожиз киши ишлаб чиқараётганлигига ақл бовар қилмас эди.

Қувондиқ асли Самарқанд областининг Советобод районидан. «Меҳнаткаш» қишлоғида туғилган. Уч ёшида бахтсиз тасодиф туфайли унинг икки кўзи ожизланиб қолган. Меҳрибон отаси Сувон ака ва онаизорининг фарзанди кўзига даво истаб бормаган касалхоналари қолмади. «Эскичаси»га ҳам «қаратиб» кўришди... бўлмади!

Ниҳоят, 1960 йили саккиз яшар Қувондиқни Бухоро шаҳридаги кўзи ожизлар мактаб-интернатига беришди. Зеҳни ўткир Қувондиқ бу ерда ўқиш, ҳунар ўрганиш билан бир қаторда санъатга меҳр қўйди. Бу борада у интернатнинг мусиқа муаллими Ҳикмат Неъматовдан ғоят миннатдор.

Қувондиқ тез орада тўқувчиликни ҳам ўрганиб олди. Бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг фаол иштирокчиси сифатида ўзининг ширали овози, дилкаш қўшиқлари билан барчани ром эта бошлади. Кўрикларда совринлар олди.

Интернатдан ҳунар эгаллаб қайтган Қувондиқ Сувонов 1969 йилдан бери Каттақўрғон кўзи ожизлар ишлаб чиқариш корхонасида ҳалол ишламоқда. Ҳар сменада 14—15 метр гилам-пояндоз тўқиб, ҳамкасблари ҳурматини қозонаётир. Ишдан бўш пайтларини Каттақўрғон шаҳридаги 1-маданият уйида, корхона қошида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгарагида ўтказади.

— Марҳум хонанда Карим Мўминов ва лирик қўшиқчи Неъматжон Қулабдуллаевнинг ижроларини ёқтираман, — дейди у. — Бастакорлардан Фахриддин Содиқов, Сайфи Жалил, И. Икромовларга ихлосим баланд.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида республика кўзи ожизлар жамияти бадиий ҳаваскорлик коллективларининг навбатдаги кўриги бўлиб ўтди. Унда Муқимий шеъри билан «Фарғонача шаҳноз» қўшиғини меъёрига етказиб ижро этган Қ. Сувонов ҳайъатнинг энг юқори баҳосига ва махсус совринига сазовор бўлди.

Яқинда эса кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрининг Шердор мадрасаси саҳнасида Бутуниттифоқ халқ ижодиёти III фестивали доирасида «Марҳабо, талантлар!» баҳси ўтказилди. «Чоргоҳ»ни ширали ва баланд пардали овозда куйлаган Қувондиқ Сувоновга ҳакамлар бир овоздан ўн баллик баҳо қўйишди.

— Дам олиш куни она қишлоғимга бораман, — деди Қувондиқ. — Бир зумда хонадонимизга кўплаб қишлоқдошларим тўпланишади. Уларнинг барчаси қўшиқсеварлар. Шунинг учун ҳамқишлоқларимни хушнуд этиб қайтишга ҳаракат қиламан. Асосан, Алишер Навоий, Муқимий, Зебуннисо сўзлари билан айтиладиган «Ушшоқ», «Айрилмасун», «Самарқанд ушшоғи» каби қирққа яқин мақом йўлидаги классик қўшиқларим билан элнинг назарига тушганлигимдан беҳад бахтиёрман.

Қувондиқ дилдан куйлайди. У қўшиқлари орқали борлиқ билан, эл билан ҳамнафас. Тингланг, Қувондиқ Сувонов куйлаётир:

Оразинг олдида гулнинг
гул жамоли лол дедим.

Ҳам бари бўстон чиройи,
Қатраи мисқол дедим.

Оҳ, эсиз, гул барги сўлғай
гул жамоли сўлмасин.

Гул чиройингни, санам,
кўз мардумида қол дедим...

А. ҲОШИМОВ.

ОНА ЮРТ ЖИЛОЛАРИ

Она юрт, унда яшовчи кишилар гўзаллиги — ўзбек мўйқалам устаси, СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси Дилёр Имомов ижодидаги асосий мавзудир. Тошкент кино уйида унинг турли йилларда яратган асарлари кўргазмаси очилди.

Д. Имомов республика рассомлик билим юртини ҳамда театр ва рассомлик санъати институтини битирган. Унинг дастлабки асарлари студентлик йилларидаёқ республика ва Бутуниттифоқ кўргазмаларида намойиш қилинган эди. Бу асарлар ўшандаёқ ўзининг бетакрорлиги, ўзига хос бадиий тасвири билан мутахассислар эътиборини тортган эди.

Мамлакатимизнинг турли гўшаларига қилинган саёҳатлар мусаввир ижоди кўламини кенгайтирди. Ялтанинг кўҳна кўчалари, Сибир дарёларининг беназир жозибаси, Каспий соҳиллари, хуллас, ҳар бир саёҳат манзаралар туркумини тўҳфа этарди.

Бир қанча график асарларда оддий қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши, уларнинг пахта далаларидаги меҳнати ва ҳордиқ дамлари акс эттирилган. Асарларнинг анчагина қисми портрет жанрида ишланган. Акварель бўёқлар эса мусаввирнинг яна бир истеъдоди — энг оддий буюмларнинг «кайфияти»ни, ўта нозик ранг жилоларини бера олиш қобилиятини очиб берган.

БОШҚОТИРМА

ЧАЙНВОРД: 1. Ҳ. Олимжон достонидаги персонаж. 2. Терма қўшиқ. 3. Ўзбек рақс куйи. 4. Чех автомобиль маркаси. 5. Таниқли шахс. 6. Савдо-сотиқ жойи. 7. Мақом шўъбаларидан бири. 8. Ҳарбий машина. 9. Еру осмон, олам. 10. Транспорт воситаси. 11. Хаёл, хаёлот. 12. Ёш, навқирон. 13. Шекспир асари. 14. Фасл. 15. Металл юзидаги оксид қатлам. 16. Сўз орқали изҳор этиладиган фикр. 17. Ким ўзди мусобақаси. 18. Адабий ҳолат. 19. Осмондаги сув буғи. 20. Оёқнинг букиладиган қисми. 21. Шахмат донаси. 22. Наманган областидаги район.

КРОССВОРД: 1. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг баъзи районларида яшовчи «юз» қабиласига кирадиган уруғга мансуб кишилар. 2. Батартиб. 3. Шеър мисрасидаги вазний бирлик. 4. Тўн. 5. Автоном республика.

Тузувчи: Фаёз ҒАФУРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 01112. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1138. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12